

«14 » декабрь 2021 й.

Ушбу шартнома “Наманган сув таъминоти” МЧЖнинг Янги Наманган туман бўлими, кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи

Е. Седиев

(Ф.И.Ш.)

шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда “Истемолчи” деб юритилувчи  
асосида иш олиб борувчи директор

Канооний сенсаёт ташкилотни борачиу  
Х. Шабиров

(Ф.И.Ш., лавозими)

иккинчи томондан, куйидагилар хакида тузилди:

### I.Шартнома предмети

1.1. 20 12йилга сув етказиш хажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари (бундан бўён матнда II гурух истемолчилари деб юритилади) учун сув етказиш нарх бўйича м<sup>3</sup>ни:

1м<sup>3</sup> ичимлик сув учун сўм (+ККС 15%), + сўм (махсус устама хак)ни ташкил килмоқда

1м<sup>3</sup> оқова сув учун сўм (+ККС 15%), + сўм (махсус устама хак)

Шу тарика шартноманинг умумий киймати 1506 177,50 сўмни ташкил килди.(сумма ёзув билан)

Шу жумладан, бюджет маблағларидан 1506 177,50 сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан

сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гурух истемолчилари Коидаларда белгиланган тарзда “Таъминотчи” томонидан тақдим килинган хисобварак-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Фазначилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар оркали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истемолчи»ни O'zDSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофиқ равишда (туман худудларида хоким томонидан тасдикланган сув бериш жадвалига асосан) ичимлик суви билан таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф кийматида (ККС ни хисобга олган холда) хўжалик-маший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтиради.

1.3. «Истемолчи» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.11.2017 йилги “Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати курсатиш соҳасида толов интизомини тубдан такомилаштириш чора-тадбирлари түргисида” ги 5241-сонли Фармонига асосан “Таъминотчи”га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни 100 % олдиндан амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли карори билан тасдикланган “Истемолчиларга сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Коидалари”га (кейинчалик матнда – Коидалар деб юритилади), хамда Наманган вилоят хокимининг 2019 йил “04” марта 83-ф-сонли Фармонишига асосан 2019 йил 1 марта ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари тарифларига истемолчиларга ичимлик сув таъминоти учун 50 сўм/м<sup>3</sup>, оқова сув хизматлари учун 50 сўм/м<sup>3</sup> маҳсус устама жорий этилган хакни асосий тарифга кушиб тулашни хамда “Таъминотчи” томонидан тақдим килинган коммунал сув етказиб бериш ва оқова сув чиқариш тизимида уланиш учун рухсат этувчи хужжатларга риоя килиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

1.5. «Истемолчи» ушбу шартномага, унинг тасаруфидаги барча объектларининг (филиал ва суб-истемолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва сув тизимида уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг микдори ва диаметрларини кўрсатган холда, кадастр нусхасини тақдим килади, “Таъминотчи”ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар хакида хабардор килади.

1.6. «Истемолчи»га белгиланган ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни кабул килиб олиш микдорий лимити (м<sup>3</sup>):

Хизмат тури	Январь	Февраль	Март	Апрел	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Жами
Ичимлик сув	130	130	130	-									390
Оқава сув	187	187	187										561

1.7. «Истемолчи» «Water control» дастуридан ўзига керакли бўлган маълумотларни СМС хабарнома-эркали олиши, ўлчаш асбобини кўрсаткичини берishi, карздорлиги хакида хамда ўлчаш асбобининг ДНК муддати келганилиги тўғрисида огохлантирилиши мумкин. СМС хабар оркали олинган ва берилган маълумотлар расмий маълумот хисобланади.

### II. Умумий коидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сувориш, ховлилар, йўлакчаларига сув сепиш, хамда, ичимлик сувидан автомашиналарни ювиш учун ўрнатилган вактдан ташқари фойдаланиш катъян ман этилади.

2.2. Сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истемолчи (суб-истемолчи)ларнинг хўжалик-истемол ва коммунал-маший эҳтиёжлари, ёнгилларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган.

“Таъминотчи”нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган холатларда, ихтисослашган истемолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истемолчининг тармокларидан сув олиб, оқова сувларни “Истемолчининг” канализацион тармокларига ўтвучи суб-истемолчилар сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш шартномасини “Истемолчи” билан тасдикланган “Коидаларга” мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни хисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва тамғаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамғаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини хисобга олиш усунасанини ечиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 20 августдаги №-698 сонли карорига мувофиқ юритилади.

2.5. “Истемолчи”га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш курилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) хисоб-китоб асосида аниқланади, обектнинг максимал сув истемоли ва минимал сув истемолига текширилади ва “Истемолчи” билан келишилади. Хисоблаш курилмаси учун ўрнатилган минимал истемол микдоридан кам микдорда сув истемол килинганда, «Таъминотчи» сув ўлчаш тармоғини қайтадан курилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, хисоблаш курилмасининг кўрсаткичлари кабул килинмайди ва хисоблаш Коидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, хисоблаш курилмаларини ишга тушириш, хисоблаш курилмаларини алмаштириш, янги суб-истемолчиларнинг уланиши Истемолчи томонидан факат “Таъминотчи” тарафидан тасдикланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар “Истемолчининг” сўровномаси асосида, барча тасдиковчи хужжатларни илова килган холда берилади.“Таъминотчи”дан олинган техник шартлар асосида, “Истемолчи” буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, коидалар ва бошқа меъёрий хужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Курилган уламаларнинг ишга туширилиши “Таъминотчи” томонидан, “Истемолчи” ва курилиш ташкилот вакилларининг иштироқида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш кисмларининг техник холати учун эксплуатацион маъсулляр чегараси (сув ва оқова тизими, курилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истемолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида кўйидагилардан иборат:

а) сув истемоли учун узатиш тармоғининг киритиш курилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Сув кувурини, шу жумладан узатиш курилмасини ишга тушириш истемолчининг ички сув узатиш тизимининг бир кисмидир;

б) оқова тизими учун магистрал оқова тизимига уланиш нуктасидаги сув чиқариш кудуги бўлиб, у “Истемолчи”нинг ички оқова тизимининг бир кисмидир. Агар чиқариш оқова тармоғи жойлашган бўлса, кўрсатилган кудук сув-коммунал хўжалигининг бир кисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса “Истемолчи”нинг кучи ва маблаги хисобига амалга оширилади.

### III. Тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

#### **3.1. Истемолчининг хукуқлари:**

- а) “Таъминотчи”дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз хаёти ва соғлиғига, мулкига хавф түғдирмайдиган даражадаги сифат ва микдорда ичимлик сув берилишини талаб килиш;
- б) “Истемолчи” хисобидан хисоблаш курилмасини ўрнатиш.
- в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармокларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун “Таъминотчи”дан конунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган микдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб килиш;
- г) “Таъминотчи”ни шартномани бекор килиш тўғрисида, унинг бекор килинишидан камида 15 кун олдин огохлантирган холда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлик амалга оширган холда шартномани бир томонлама бекор килиш;
- д) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг холати, карзларнинг йўклиги хакидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакили оркали) белуп олиш;
- е) “Таъминотчи”дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари хажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши хакидаги маълумотларни белуп олиш;
- ё) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётгандаги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;
- ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аникланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта хисоб-китоб амалга оширилишини талаб килиш.

#### **3.2. Истемолчининг мажбуриятлари:**

а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзининг худудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқова тармоклари ва курилмаларининг мувофиқ равишида кўриклинишини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб колишига йўл кўймаслик, кудук копкокларини кор ва муздан тозалаш, “Таъминотчи” томонидан ўрнатилган тамғаларининг бутлигини назорат килиш, кудуклардан юза оқоваси мавжудлигини таъминлаш, ёнғинга карши гидрантларга ўтиш йўлларини беркитмаслик, кўрсатилган ёнғинга карши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат килиш;

в) “Истемолчи” худудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, оқова тармоклари ва курилмаларининг устига турли буюм ва материалларнинг йигилишига хамда сув қувури, оқова тармоклари ва курилмаларининг устидан иншоотлар курилмаслигини, шу жумладан, ташки (кўча ва квартал ичидаги) сув қувури, оқова тармоклари ва курилмаларининг устидан иншоотлар курилишига йўл кўймаслик.

г) коммунал сув қувури, оқова тармоклари ва курилмаларининг транзит нукталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар хакида зудлик билан “Таъминотчи”ни хабардор килиш;

д) сувни хисобга олиш приборларида якъол кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамғани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги холат аникланганда хамда хисобга олинмаган ёнғинга карши гидрантлар мавжудлиги хакида дархол ёзма равишида ёки алоқа тармоклари (факс, электрон почта) оркали “Таъминотчи”га хабар бериш;

е) “Таъминотчи” билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя килиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни “Таъминотчига” жорий ойнинг охирги кунидан кечикмаган холда маълумотларни тақдим килиш ва тўловини амалга ошириш;

ё) шартномада белгиланган миқдордан ортиқ ҳажмда сувнинг ортиқ сарф килинишига ва оқова сувларининг месъердан ортиқ чиқарилишига йўл кўймаслик;

ж) “Таъминотчи”ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар хакида хабардор килиш;

и) “Таъминотчи”га тегишли бўлган ёки унинг худудида жойлашган сув ва оқова тармоклари, курима ва мосламаларининг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;

й) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини месъердаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;

к) оқова тармогига тушениш сувларининг сифатининг мониторингини таъминлаш;

л) “Истемолчи” худудида жойлашган сув ўлчаш тармоги, коммунал сув ўтказиш ва оқова тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни кўймаслик;

м) жамоат сув ва канализация тизимларини обьектларига шикаст зарар етказган “Истемолчи” дархол “Таъминотчи”га хабар бериши ва етказилган зарарни коплаш учун “Таъминотчи” техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва бехуда сарф килинган сув нархини тўлаши шарт.

#### **3.3. Таъминотчининг хукуқлари:**

а) “Таъминотчи” кўйидаги холларда, истемолчини 5 кун аввал хабардор килган холда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлик ёки кисман тўхтатиш хукуқига эга;

б) “Истемолчи” худудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқова тармоклари, мослама ва курилмаларининг техник холати коникарсиз холатда бўлса ва “Истемолчи” техник фойдаланиш коидаларини бузиш натижаларини “Таъминотчи” вакиллари талабига кўра бартараф этамаса;

в) “Таъминотчи”нинг вакили истемолчи худудида жойлашган ва унинг тасарруfидаги бўлган сув узатиш ва оқова тармоклари, мослама ва курилмаларида ишлар олиб бориш, тамға ўрнатишга ва бошка ишларда “Истемолчи” томонидан асоссиз ҳалакт берилган тақдирда;

г) “Таъминотчи” томонидан режали олдини олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқова тармокларида ишлар бажарилишида, “Истемолчи” уларга уланган бўлса, ва янги “Истемолчи”ларни улаш учун ишларни ўтказишида;

д) “Истемолчи”нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруfидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истемолчиларнинг уланиб олганлиги аникланганда;

е) “Истемолчи” ўрнатилган муддатларда тўлов хўжатларига мувофиқ тўловни амалга оширганда;

ё) “Таъминотчи”нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг “Истемолчи” тасарруfida бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини берганда;

ж) “Истемолчи”лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўrсатиш шартларига риоя килинмаганда;

з) энергия таъминоти тўхтатилганда;

и) табии оғатларда;

й) аварияларда;

к) ёнғин чиккан ерларга сув ўтказиш ҳажмини ошириш зарурияти туғилганда.

#### **3.4. “Таъминотчи”нинг мажбуриятлари:**

а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;

б) сув етказилишини (худудларда хоким томонидан тасдиқланган сув бериш жадвалига асосан) таъминлаш;

в) тизими равишида давлат сув таъминоти ва канализация тармоклари, истемол обьектлари ва курилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармокларининг холатини ва ишини тизими назорат килишини амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашини ташкил этишида амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда “Истемолчи”лар сувидан оқилона фойдаланиши ва сувдан оқилона фойдаланиши аниклаш, сувни этказиб бериш ва истемол килишини катъян назорат килиш ва хисобга олиш, саноатга мувофиқларни мунтазам равишида назорат килиш ва уларга тенгглаштирилган сув истемол килиш чекловларига риоя килишини назорат килиш;

г) “Истемолчи”ларга индивидуал хисоблаш курилмаларини ўз хисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) “Истемолчи”лар сув қувур хўжалигининг текширишни (индивидуал хисоблаш курилмаснинг яхши ишлаётгандаги текширган, улардаги назорат кўrсаткичларини олган ва тамғаларининг мавжудлиги ва бутлигини аниклаган холда) бир ойда кўпі билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) “Истемолчи”га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган холларида, жарима яъни пеня тўловларини амалга ошириш;

ё) сув таъминоти ва истемолига оид месъерий-хукукий ва бошка хўжатларнинг кабул килингандаги хакида “Истемолчи”ларни хабардор килиш;

ж) сув ўтказиш ва сув чиқариш учун хизмат хаки тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари оркали маълумот бериш;

3) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тұловларнинг холати, карзларнинг йўклиги хакидаги маълумотлар ва маълумотномани “Истъемолчи”га бепул бериш;

## VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. “Таъминотчи” ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармаслика ёки лозим даражада бажарилмаган холларда келиб чиккан зарарни, “Истъемолчи” эса етказилган хакиқий зарарнинг ўрнини коллаши шарт.

4.2. Истъемолчи кўйдагилар учун жавобгардир:

а) сув хисоблаши курилмасидаги тамғалар, айланыш чизиги жўмраги, гидрантлар ва бошка сув узитиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг

худудида ва тасарруфида бўлган тамғалангани хисоблаши курилмаларининг бутунлиги ва сакланиши учун;

б) сув тармокларига ўз бошимча уланиб олиш, совук сувни хисобга олиш курилмаларининг қасдан бузилишига йўл қўйиш хамда сув хисоблаши курилмаларидаги кўрсаткичларни ташкаридан аралашган холда ўзгартириш холатлари учун;

в) конунчиликда ўрнатилган бошка холларда.

г) ўзбошимчалик билан курилган иншоатлар сабабидан тармоклардаги авариялар бўлган холатларда;

д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса “Истъемолчи” худудида жойлашган оқова тармогига ёмғир ва эриган кор сувларнинг тушишига йўл кўймаслик. Ушбу қоидабузарлик аникланганда “Таъминотчи” ходими ўрнатилган тартибида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома “Истъемолчи”нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат килади.

4.3 “Таъминотчи” кўйдаги холларда жавобгардир:

а) амалдаги меъберий-хукукий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва конунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошка холларда;

б) “Истъемолчи”ларга сув таъминотига уланиш ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вактида ва ишончли тақдим килиниши учун;

в) “Истъемолчи”нинг хаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун конунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, коллаши;

г) шартнома шартлари ва юқлатилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) конунчиликда ўрнатилган бошка холларда.

## V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун хисоблар ва тұловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг хисоби хисоблаши курилмаси мавжуд бўлганда, хисоблаши курилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ККС ва маҳсус устамани хисобга олган холда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимиға келиб тушувчи оқова сувнинг миқдори, сув тармогидан етказиб бериладиган сув миқдорига тенг. Марказлашган холда иссик сув таъминоти мавжуд бўлган холларда, истъемол килинувчи совук сув миқдорига 2.0 коэффициенти кўлланилади. “Истъемолчи”нинг ўзида сув таъминотининг курилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларнинг миқдори ушбу сув курилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатта болинган хисоблаши курилмаларининг кўрсаткичларига) кўлайтирилади. Ички сув таъминоти тизими “Истъемолчи”нинг шахсий автоном манбаси билан боғлик бўлмаслиги лозим.

5.3 Объект эгаси, автоном сув таъминоти (скважина, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими)га ёки марказий коммунал оқова тизимидан бошка оқова ташлаш манбаларига эга бўлган холатларда, “Таъминотчи” билан шартнома тузиш учун маҳсус табиий сув обьектларидан сув олиш ёки чиқариш учун юшнимча рухсатнома тақдим этиши лозим.

5.4. Сув таъминотининг ҳусусий автоном манбаи (артезиан скважинаси, кудук, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими ва х.к.) мавжуд бўлганда коммунал канализация тизимиға оқоваларни оқизиб тушувлар, ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш куввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ташлаш манбаларига эга бўлган холатларда, “Таъминотчи” билан шартнома тузиш учун маҳсус табиий сув обьектларидан сув олиш ёки чиқариш учун юшнимча рухсатнома тақдим этиши лозим.

6.1. Объект эгаси ўзгарганда, “Истъемолчи” чиқиб кетишидан 7 кун аввал дебиторлик карзларини узуб, бу ҳақда “Таъминотчи” билан далолатнома имзолаши шарт. “Истъемолчи” чиқиб кетгач, сувни хисобга олиш асбоби ва пломбаларнинг бутлиги учун жавобгарлик обьектнинг янги эгаси зиммасига юкланди.

6.2. “Истъемолчи”нинг сув узатиш-оқова ҳўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан “Истъемолчи”нинг хати келиб тушган кундан бошлаб хисобга олиниади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми кувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари хисобидан кўйдаги формула асосида хисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда:  $M$  – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициенти;

$F$  – суюклик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) $m^2$ ;

$g$  – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

$H$  – сувнинг метрлардаги босими;

$t$  – вакт- 24 соат, секундларда;

### Кўйдаги холатларда:

6.3.1. “Истъемолчи”да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган холатларда (ёки носоз холатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси “Таъминотчи”да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, ўрнатилган вактдан ташкари сув сепилгандан, автомашиналар ювилгандан;

6.3.4 Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиқкан, синган, бузилган холатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома б қисмининг 6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгти тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) кунгача хисобланади;

Сувни хисобга олиш асбоби истъемолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аникланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп кўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни хисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатиласа, сарфланган сув миқдори II-турху истъемолчилари учун Қоиданинг 87-“б”-банди бўйича ҳисоб-китоб қилинади;

6.3.5. “Истъемолчи”нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув истро бўлиши холатларидан;

6.3.6. “Таъминотчи”нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси кондирилмаган, баражарилмаган холатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориши бўғинидаги кўйилган химоя копламига рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув соғарфини аниклаш имконияти чегараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнғиндан сакланиш гидрантлари ва хонадон кувурларига) ўзбошимчалик билан олинган ва фойдаланилган холатлар аникланганда, “Таъминотчи” томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниклаши ва “Таъминотчи”га етказилган зарарни хисоблаши учун асос бўлиб хизмат килади. Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнгти тузилган назорат далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санастигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиш узуб ташланган кунга кадар хисобга олиниади;

- ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар “Таъминотчи” балансидаги тармокларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниклаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олиниади;

6.5. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва куришни бошлаш учун) лойхайда муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган холда ёки муддати ўтган холда, “Таъминотчи” томонидан сув узатиш хизматларини якунлашга асос бўлади.

6.6. “Истъемолчи” коммунал сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш тармокларига уланиш санаси хакидаги ҳужжатларни тақдим этмаган холатларда “Таъминотчи” томонидан, хоким карори ва кадастр ҳужжатларни ва шу кабилар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб килишга хакидидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар, “Таъминотчи” томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат килувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар “Истъемолчи” томонидан 3 кунлик муддат ичизда акцептсиз тартибида амалга оширилади. Тўловлар ўз вактида амалга оширилмаган тақдирда, “Таъминотчи” кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0.4 % пения ёзди ва унинг умумий киймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 248-моддаси талабига асосан

истемолчи томонидан амалга оширилган тұлов суммасы пул мажбуриятини батамом бажариш учун старли бўлмаса, энг аввало кредиторнинг ижрони олишга қартилган чикимларини, сўнгра фойзларни, унинг колган кисми эса - қарзнинг асосий суммасини узиш учун йўналтирилади.

6.8. "Истемчолчи" хисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг кирим кассаси оркали, хисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичига тўланади.

6.9. «Тайминотчи» тўловнинг хар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100 % микдорида олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бутлов кейинги ой хисобига кўшилади. Агар «Истъемолчи» икки хафта муддат ичида тўловни амалга ошираса, «Тайминотчи» хеч кандай огохлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ёки окова сувларни чиқариб юборишин ундирамагунга кадар тўхтатиб кўшиш хукукига эга. Бундай холларда ёнгидан сакланши ва санитария холатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истъемолчи» зиммасига юклатилиади. Сув тайминоти ва сув чиқариши тизимида илгари узбик юйилган холларда кайта улашда II гурух истъемолиларидан базавий хисоблаш микдорининг 10 (үн) баробари микдорида тўлов кайта улашни амалга оширган ташкилот хисобига маблағларни ўтказиш оркали ундирилади;

Шаҳарлар ва бошха ахоли пунктларида коммунал канализация тизимига жала, ёмғир ва кор сувлари рухсат этилмаган холда оқизилган тақдирда иштимолчига нисбатан ишлаб чиқариши окува сувларини оқизгандылыктын амалдаги тарифларга нисбатан күшимица уч барабарлик коэффициент табтилиди. Хисоб-китоб ташкилотнинг майдони бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон карори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариши окува сувларини кабул килиш коидалари хамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошха ахоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилгандылык учун компенсация тўловларини хисоблаш тартибибига мувоффик кадастр ва метеорологик маълумотларга биноан амалга оширилади.

6.11. Юридик шахслардан, лимитдан ортиқа сув иsteммол килинган холатларда, "Тайминотчи" ташкилоти томонидан белгиланган тарифларға нисбатан 10,0 орттирилүвчкі коэффициентни күллаш йўли билан ҳақ ундирилади.

6.12. “Тайминот” билан “Истемолчи”лар, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўргасидаги, коммунал сув таъминоти ва оқови сувларни чиқариши элемментлари (ичимлик сув ва канализация тармоклари, иншоатлари, курилмалари)га хизмат кўрсатиш, уларнинг техник холатини саклаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари хисобланади:

а) сув истемолчилик учун тармокка уланишини узиб кўювчи кириш кулфи. Кирис кулфи билан ичимлик сувга уланиш, истеъмолчининг ичимлик суву тизимиининг бир кисми хисобланади;

б) канализация учун — истемолчи канализация тизимининг ички кисми хисобланувчи, магистрал канализация тармоғига уланиш нұктасидагы чиқарува. Агар чиқарувчи канализация күдуги (камераси) магистрал канализация тармоғида жойлашган бўлса, ушбу күдук ИСКХ ташкилоти коммунал канализация тармоғининг бир кисми хисоблананиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эса истемолчининг маблағи ва воситалар хисобидан амалга оширилади.

## VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома көзасидан келиб чыккан низолар, келишүв йўли билан ҳал килинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ тегишли туманлараро иктисоди судида кўриб чикилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган холаттар юзасидан низо келиб чиқкан тақдирда, Конунчилликда белгиланган тартибда ҳал килинади

### VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа снгиб бўлмайдиган куч (форсажкор) холатлари (зилзила, сув тошкни, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар музкуш шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати сенгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзаси келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор холати мавжуд бўлган томон 3 кун ичидаги бошқа томонни форс-мажор холати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзмравишида огохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мајкор холатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бирни шартномани беко килиш хукукига эга.

## **IX. Шартноманинг амал қилиш муддати**

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган болиб, иккى тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартномаға ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 ийнинг 31 декабригача амал қилади. Агар арнаплар ўз хоших ихтиёrlари билан шартномани янгиламаган бўлса ёки тўхтатилмаган холларда ушбу шартнома кейинги даврлар учун хам ҳақикии бланади.

## **Х. Тарафларнинг юридик манзили:**

«ТАММИНОТЧИ»  
«Наманган сув таъминоти» МЧЖ  
Янги Наманган тумани булими  
Манзил: И.Каримов кучаси 4-б уй  
Тел: 55-251-70-32 , факс \_\_\_\_\_  
  
Банк: Ипотека банк Наманган вилояти филиали  
Банк коди: 00223 СТИР: 200048456

МАНГИСТАУВА  
ДОСУУ ШАРТНОМАДА ЗЕЗЕЙ СТ. - ГЕРГЕЛДАСЫК 12-ДА ЖАК ЮРИТУЧУ  
**2022**-ЖЫЛДА КИШИНІНГ ШАРТНОМАСЫН АКЦИОН БАЗАСЫ ТОГРЫСИДА ГІ  
КОНУН ТАЛАБЛАРИ БИЛАН ТАРТИГЕЛДЕЛІРДІГАН  
ДОМАН УДОСЛОВІСІН. Республикасы Фүзакарданынг  
КОДАРЫНДА МАССАДА  
ЯВОГАРЛЫГИ НЕ ЙОРЫМАЛДАГЫ КОНУНЛАР ТАЛАБАРЫ ЯВОДА БЕРАД  
ҮҮРОДИГАЛАРГА АССААН УШБУ ТУЗЛЯДЫГАН ШАРТНОМА (КОНТРАКТ)  
УПОСЕЧКИНАЛЫК ИЗОЛШАГА ВА ТОНОКЛАР ДА МАЖИРУЧЫЛАРЫНУ УРО  
ЕТИШЛАР ИЧУН ТАСЫВА ЕТИЛАДЫ  
УШБУ ШАРТНОМАДА КО РСАТЫЛГАН СУММА БОYИЧА ТАШКИЛОТАР  
ТОМОНДАН BANK VA СОЛЮ АМАЛЫНТОЛАР БАГАРИЛШАРТ ВА БУНГА  
КОНУН ДОРИСАСЫКА ЯВОГАРДЫРЛАР  
НАМАНГАН СУВ ТА МИНОТЫ М.Ч.Ж  
ЯНГИНАМГАН ТУМАНИ БО'УМ  
КУГУШХОНДА  


**ДИСТЕМЛОЧИ**  
**Камалов Бисолтабеков Баходор**  
**Камалов шекер сүзбөл түсі**  
Манзил  
Тел: 69-728-37-1 факс  
Раз/х-р 13702000300100001010  
Банк Төмөнкүй жарнамасындағы АККМ  
Банк коды 00014 СТИР 101122 919  
ХХТУ  
Шахтый ракам  
Шахский х-р 1000218601940180874920054002  
Банк Союз жүргілдешесінің Госбанк  
Банк коды 001234 СТИР 106 94306 8  
Камалов Бисолтабеков Баходор  
Камалов Бисолтабеков Баходор  
Рахбар Б. Камалов  
М.У. (Ф.И.Ш. имзо)  
2022

Конунар таңбасынан түзүлгөн “Хұжалық көрсеткіштік субъекттердің шартномавий-хукукий асоси тұгрысіда” ги Конунар таңбасынан түзүлгөн.

## Ичимлик суви истемоли бўйича

Бюджет

Ойлар номи	Натура микдори	1 бирлик нархи	Суммаси	Бундан ташқари инд-ия	Жамми сумма
Январ	130,00	3862,25	502092,5	0	502092,5
Феврал	130,00	3862,25	502092,5	0	502092,5
Март	130,00	3862,25	502092,5	0	502092,50
<b>1- чорак жами</b>	<b>390,00</b>	<b>X</b>	<b>1506278</b>	<b>X</b>	<b>1506277,5</b>
Апрел				0	0
Май				0	0
Июн				0	0
<b>2- чорак жами</b>	<b>0</b>	<b>X</b>	<b>0</b>	<b>X</b>	<b>0</b>
Июл				0	0
Август				0	0
Сентябр				0	0
<b>3- чорак жами</b>	<b>0</b>	<b>X</b>	<b>0</b>	<b>X</b>	<b>0</b>
Октябр				0	0
Ноябр				0	0
Декабр				0	0,00
<b>4- чорак жами</b>	<b>0,00</b>	<b>X</b>	<b>0,00</b>	<b>X</b>	<b>0,00</b>
<b>Йиллик</b>	<b>390,00</b>		<b>1506277,50</b>		<b>1506277,50</b>



Таъминотчи

имзо, муҳр



Истемолчи

имзо, муҳр

Изоҳ: Ушбу жадвал барча турдаги коммунал хизмат турлари бўйича тўлдирилади.